ОПИСАНО
14 ОКТ 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 232 (19.008). • Сешанба, 9 октябрь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

ТЕРИМДА СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШАЙЛИК!

НАЗОРАТЧИ КУРАШЧИДИР

Халқ контроли мана олтмиш йилдан кўпроқ вақтдан буён давлатимизнинг, барча меҳнаткашларнинг туб манфаатлари посбонлигида турибди. Совет демократиясининг ажралмас қисми бўлган халқ контроли органлари Советлар мамлакатининг ютуқларига, ривожланган социализм барпо этишга салмоқли ҳисса қўшди. Халқ контроли комитетлари, группалари ва постларида ишлаётган ўн миллион актив — одатда жангчига хос характерга эга бўлган кишилардир. Меҳнатдаги хизматлари, давлат манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишда муросасизлик уларга бошқаларни текшириш, камчиликларнинг бартараф этилишини талаб қилиш учун маънавий ҳуқуқ беради. Коммунистлар — халқ контролининг жипслаштирувчи ўзагидир. Халқ контроли системасининг турли бўғинларида салкам тўрт миллион коммунист бор.

Яқинда халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. Улар партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг давлат ва меҳнат интизомини, ишлаб чиқаришда, бошқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида тартиб ҳамда уюшқоқликни янада кучайтириш тўғрисидаги талаблари асосида ўз ишларининг энг муҳим йўналишларини муҳокама қилдилар. Кенгашда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко ёрқин ва сермазмун нутқ сўзлади. Ўртоқ К. У. Черненко халқ контроли органларининг фаолиятига юксак баҳо бериб, уни такомиллаштиришнинг конкрет йўлларини кўрсатиб ўтиб, «айнан ҳозирги шароитда, айни ривожланган социализм босқичида халқ контролининг ҳуқуқи ва имкониятлари анча кенгайиб бораётганлиги мутлақо қонунийдир. Унинг масъулияти ҳам ошмоқда, албатта. Бу нарса СССР Конституциясида, шу Конституция асосида халқ контроли ҳақида қабул қилинган қонунда равшан ифодалаб берилган. Энг муҳими шуки, бу нарса сезилиб турибди ва бизнинг кундалик давлатни бошқариш, хўжалик, жамоат практикамизга баракали таъсир қилмоқда» деб таъкидлади.

Комитетлар, группалар ва постларда ишлаш — гражданликни, юксак масъулият ва ишчанликни, олға томон тезроқ ҳаракат қилишимизга халақит бераётган нарсаларнинг ҳаммасига муросасиз муносабатни тарбиялашнинг яхши мактабидир. Халқ контролёрлари партия улар олдига қўйган вазифаларнинг, ҳал этилиши учун контроллик ишлари самарадорлиги янада оширилишини талаб этувчи вазифаларнинг сифат жиҳатидан янги даражада эканини яхши тушунаётганликларидан уларнинг кенгашдаги нутқлари далолат бериб турибди.

Халқ контроли органлари қандайдир алоҳида бир система эмас. Бу — мамлакат экономикасига раҳбарлик қилишда партия билан ҳукумат қўлидаги синалган воситадир. Иқтисод ва тежамкорлик борасида назоратчилар ишининг самарадорлигидан даполат берувчи бир нечта фактни келтириб ўтайлик: Москва халқ контролёрлари икки йил ичида 20 миллион сўмлик моддий бойлик нобуд бўлишининг олдини олдилар, уларнинг тавсияларига кўра 80 миллион сўмлик машина-ускуна фойдаланишга топширилган ёки ортиқча реализация қилинган. Ленинградда назоратчилар беш йилликнинг уч йили мобайнида 141 миллион киловатт-соат электр энергияни, неча ўн минглаб тонна металлни тежаб қолишда ёрдам бердилар. Киевда республика кўрги давомида жамоатчилар киритган рационализаторлик таклифларини амалга ошириш 480 миллион сўмлик иқтисодий самара берди.

Кейинги вақтларда назоратчилар хўжасизликка ва исрофгарчиликка, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга, қўшиб ёзишга, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўяётган мансабдор шахсларга нисбатан талабчанликни кучайтирдилар. Шундай бўлса ҳам давлат манфаатлари халқ контроли органлари яна ҳам қатъийроқ ҳаракат қилишларини, камчиликларни дадилроқ очиб ташлашларини, партиянинг кўрсатмаларидан тўғри хулосалар чиқариб олмаётган раҳбарларга нисбатан қаттиқроқ талабчанлик қилишнини тақозо этмоқда.

Халқ контроли комитетлари ва группалари маҳаллийчилик ва маҳкамачилик нуқтаи назаридан ёндашиш ҳолларига ўз вақтида чек қўйишлари, маҳсулот етказиб бериш интизоми бузилишининг олдини олишлари, планларнинг асоссиз тузатилиши (бу нарса экономикага путур етказади) фактларига қатъийроқ эътибор беришлари керак. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резерврларини аниқлаб топиш ишларини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, унинг ютуқлари практикага жорий этилишига, материал-хом ашё ресурслари тежалишига эришиш зарур. Чунки халқ мулкига омилкорлик билан муносабатда бўлиш — пировард натижада планларимизнинг реалпиги масаласи-ку, ахир.

Кенгашда айтиб ўтилганидек, халқ контроли социализм табиатига зид, унинг идеалларига хилоф бўлган жамики иллатларни бартараф этишда ёрдам бериш кераклиги учун ҳам мавжуддир. Меҳнат учун мукофотлаш принципига риоя этиш, шу принципларнинг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Ана шу принципнинг бузилиши экономикамизга зиён етказади, совет кишиларини ниҳоятда ғазаблантиради, бизнинг адолат тушунчамизга тўғри келмайди. Социалистик тақсимот системасининг мажбурий нормаларига амалда қандай риоя этилаётганлигини доимо кузатиб бориш, Ленин сўзлари билан айтганда, истеъмол мезони билан меҳнат мезони конкрет равишда қандай олиб борилаётганлигини текшириб туриш — халқ контролининг вазифасидир.

Кейинги йилларда социалистик мулкни талон-торож қилишга, чайқовчилик, порахўрликка қарши курашни кучайтириш учун партия кўп иш қилди. Совет кишилари бу йўлни қизғин маъқулламоқдалар, лекин қуруқ ваъдалар билан ишни ўнглаб бўлмайди. Конкрет, қатъий ҳаракат қилиш керак. Кенгашда қайд этиб ўтилганидек, халқ ўзининг қадр-қиммати ва виждонини таҳқирлайдиган ҳодисаларга дуч келиб, ўзимизнинг халқ контролёрларимиз қаёққа қарамоқдалар, деб тўла асос билан ажабланмоқда. Уз-ўзидан равшанки, халқ депутатлари Советларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларига ҳам худди шундай талаб қўйилмоқда. Бундай салбий ҳодисаларга қарши курашда идораларнинг неча ўн минглаб ревизорлар, инспекторлардан иборат контроли кўп иш қила олган бўлур эди. Бироқ бу контролнинг самарадорлиги паст, у ерда ҳали номувофиқлик, чалкашлик кўп.

Халқ контроли комитетлари, группалари ва постлари ишининг таъсирчанлиги ҳал қилувчи даражада партия раҳбарлигининг савияси билан белгиланади. Халқ контроли органларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, назоратчиларнинг ташаббускорлигини ривожлантириш, улар аниқлаган камчиликларни принципиал ва тез бартараф этиш, танқид учун активларни таъқиб этиш йўлидаги уринишларга қатъиян чек қўйиш — партия ташкилотларининг бурчидир.

Партия билан давлат халқ контролини умумпартиявий, умумдавлат ишимизнинг ғоят муҳим соҳаси, деб унга берилаётган кундалик ёрдами эса ўзининг масъулиятли вазифаларидан бири деб биладилар. Ҳар қандай вазиятда назоратчи — актив курашчидир. У ҳамиша ва ҳар жойда шундай бўлиши керак.

(«Правда» газетасининг 8 октябрдаги бош мақоласи).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари пешона тери эвазига етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Бригадалар, механизаторлар, теримчилар ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Меҳнат беллашувида Н. Фозилов бригадаси ғолиблик қилди. Бу илғор коллектив пахта тайёрлаш планини колхозда биринчилар қаторида бажарди. Энди улар 250 тонналик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширишяпти. Суратларда: 1. Илғор механизатор Т. Юнусов. У шу кунгача агрегати бункеридан 100 тоннадан зиёд пахта тўкди. 2. Терим агрегатлари пахтазорда. 3. Кун сайин юксалаётган «оқ олтин» хирмонлари. 4. Н. Фозилов бригадасига кўчма вимпел топшириш пайти.

В. Молгачев фотолари.



КПСС Марказий Комитетига СССР Олий Совети Президиумига СССР Министрлар Советига

Биз, космонавтика тарихида энг узоқ давом этган «Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг одам бошқарган учишини тайёрлаш ва амалга оширишда, учта «Союз-Т» космик кемасини ва бешта «Прогресс» юк кемасини учиришда ва уларнинг учишини бошқаришда қатнашган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари, ишчилари, космонавтлари, космодром, Космонавтларни тайёрлаш маркази, Учишни бошқариш маркази, команда-ўлчов ва қидирув-қутқарув комплексларининг мутахассислари коллективларимизнинг меҳнатига берилган юксак баҳо учун, самимий қутлов сўзлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига астойдил миннатдорчилик изҳор этамиз.

Космонавтлар Кизим, Соловьев ва Атьковлар 237 суткалик орбитал учишни амалга оширганликлари Ватанимиз фани ва техникасининг янги муваффақияти бўлди. Шу учиш чоғида олинган фан-техника ва медицина-биология тадқиқотлари ҳамда экспериментларнинг натижалари мамлакатимиз фани ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг миқёсда қўлланилади. Бир экспедиция давомида биринчи марта Леонид Кизим билан Владимир Соловьев олти марта очиқ космосга чиқиб, жами 22 соату 50 минут давомида станциянинг сиртидаги мураккаб монтаж ишларини бажардилар.

Узоқ давом этган учиш даврида «Салют-7» — «Союз» орбитал комплекси ичида Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва ҳинд космонавти Ракеш Шармадан иборат халқаро экипаж ҳамда Владимир Жонибеков, Светлана Савицкая ва Игорь Волкдан иборат экипаж ҳам ишладилар.

Космонавтика тарихида энг узоқ давом этган одам бошқарувчи учиш амалга оширилганлигини биз шонли воқеа — совет халқи Улуғ Ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаймиз.

Бундан буён ҳам космик техникани тинимсиз такомиллаштираверамиз, космик фазони тинч мақсадларда, улуғ Ватанимизнинг фаровонлиги йўлида ўзлаштиришни давом эттириш вазифаларини самарали равишда ҳал этаверамиз, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига ваъда берамиз.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети давлатга мева-сабзавот сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1984 йил сентябрь ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Фарғона областида** қолдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Жиззах области,

Тошкент областининг Оҳангарон райони,

Тошкент областининг Пискент райони,

Жиззах областининг Дўстлик райони,

Жиззах мева-сабзавотчилик аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Абдужабборов номли совхози,

Тошкент мева-сабзавотчилик аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Охунбобоев номли совхози,

Самарқанд область Пастдарғом районидаги Ленин номли совхоз,

Самарқанд область Самарқанд районидаги Улуғбек номли колхоз.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ем-хашак тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1984 йил сентябрь ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Тошкент области. Бу область хашак тайёрлаш йиллик планини 79, пичан тайёрлаш планини 73,4, силос бостириш планини 67,1, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 83,4 процент бажарган, ем-хашак тайёрлашда сентябрь ойида энг кўп ўсишга эришган;

Хоразм областининг Боғот райони. Бу район хашак тайёрлаш йиллик планини 106, пичан тайёрлаш планини 65, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 89,5, силос бостириш планини 162 процент бажарган, ем-хашак тайёрлашда сентябрь ойида энг юқори ўсишга эришган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Фарғона областининг Қува райони. Бу район сентябрь ойида ем-хашак тайёрлашда юқори ўсишга эришиб, хашак жамғариш йиллик планини 127, пичан тайёрлаш планини 62, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 130, силос бостириш планини 105 процент бажарган. Байроқ Жиззах областининг Арнасой районидан олиб берилади;

Наманган областининг Чортоқ райони. Бу район сентябрь ойида ем-хашак тайёрлашда юқори ўсишга эришиб, хашак жамғариш йиллик планини 91, пичан тайёрлаш планини 90, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 76, силос бостириш планини 139 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё областининг Кумқўрғон районидан олиб берилади.

МАТБУОТ МАРКАЗИ хабар қилади

● Республикамиз далаларида 6 миллион тонналик «оқ олтин» учун кураш ҳал қилувчи паллага кирди. Мавсумни ташкилий жиҳатдан пухта уюштирган заршунослар ғалаба манзили сари дадил интилмоқдалар. Йиллик планларини ошириб бажариб, социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшираётган коллективларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Азиз пахтакорлар! Илғорлардан ўрнак олиб, йиғим-теримни имкони борича тезлатайлик. Об-ҳаво ноқулайликларига уюшқоқлик, ташаббускорлик, тадбиркорлигимизни қарши қўйайлик. Барча резерв ва имкониятларни ишга солиб, юбилей йили хирмонини ўз вақтида бунёд этайлик.

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

● Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхозининг бешинчи алмашлаб экиш участкаси коллективи областда биринчи бўлиб йиллик планни бажарди. Республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Абдумўмин Сафаров етакчилик қилаётган участка миришкорлари давлатга 570 тонна «оқ олтин» топширдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 31,6 центнерни ташкил этди. Ялпи ҳосилнинг 90 процента агрегатлар бункеридан тўкилди.

ҚАҲРАМОННИНГ ҒАЛАБАСИ

● Ильич районидаги «Правда» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тоғай Идиқулов бошлиқ бригадаси аъзолари йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. 62 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан дурдона йиғиштириб олинди ва қабул пунктларига 210 тонна юқори сифатли пахта топширилди. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналар ёрдамида териб олинди.

Бригада азаматларининг янги марраси ҳосилдорликни 45 центнерга етказишдан иборатдир.

МАШИНА ТЕРИМИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

● Тимирязев номли колхоз дала гвардиячилари Бўка райони механизаторлари ўртасида пешқадамлик қилишмоқда. Ўтган куни хўжаликда машина терими плани адо этилди. Агрегатлар бункеридан 3260 тонна «оқ олтин» тўкилди. Илғор механизатор Ҳасан Ҳожиевнинг шу кунгача терган пахтаси 215 тоннадан ошиб кетди. Унинг мусобақадошлари Йўлдош Остонов, Аҳмад Эшонқулов, Аброр Асроровлар ўз агрегатлари бункеридан 170—205 тоннадан дурдона тўкишга муваффақ бўлдилар.

КОММУНИСТЛАР ОЛДИНДА

● Айни кунларда Бўз райони далаларида 1080 коммунист пахта теримида актив қатнашмоқда. Шуларнинг 40 таси механизаторлардир. Қўл теримида иштирок этаётган коммунистлар кунига 100—110 килограммдан «оқ олтин» теришяпти. Давронбек Нурматов, Комилжон Худойбердиев, Бахтиёр Солиев каби дала гвардиячилари «зангори кема»лари бункеридан 10—13 тоннага етказиб пахта тўкишмоқда. Коммунистларнинг ғайрат-шижоати туфайли районда кунига йиллик планнинг 2,5—3 процента миқдорида пахта тайёрланяпти.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

Фарғона	2,26	64,87	0,79	11,06
Тошкент	2,76	62,90	2,54	54,74
Андижон	2,27	58,33	1,48	22,75
Наманган	3,00	55,06	2,46	24,53
Сурхондарё	2,50	51,23	2,41	36,00
Хоразм	1,51	42,48	0,18	9,73
Бухоро	1,39	41,31	0,22	5,14
Самарқанд	1,96	40,16	0,97	10,72
Сирдарё	4,30	34,50	4,61	29,98
Навоий	1,47	33,71	0,69	4,88
Жиззах	2,78	30,78	2,33	30,34
ҚҚАССР	0,64	29,11	0,19	13,06
Қашқадарё	1,20	27,27	0,58	5,17
Республика бўйича:	2,17	45,04	1,55	20,77
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	3,15	58,12	4,52	58,66
Наманган	2,80	51,62	—	—
Навоий	1,25	32,46	—	—
Бухоро	1,11	30,02	—	—
Қашқадарё	1,25	22,81	0,52	2,55
Республика бўйича:	2,37	44,53	2,54	31,48

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН СЎНГ

«ҲАММАНИНГ ЎРНИ ПАХТАЗОРДА»

ЎЗБЕКИСТОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 4 октябрь сонида Ғафур Ғулом номли колхознинг кўпминг килограммчи теримчиси Солияхон Қосимованинг юқоридаги сарлавҳали мақоласи босилди. Мақолада теримни тезлаштириш, пахта сортини яхшилаш, ҳар бир теримчининг меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб боришдек муҳим масала кўтарилганди.

Мақола районимиздаги барча колхоз ва совхоз партия, комсомол ташкилотларининг йиғилишларида, пахтачилик бўлимлари ва бригадаларида атрофлича муҳокама қилиниб, тўла маъқулланди. Яна 300 киши кўпминг килограммчилик ҳаракатига қўшилди. Ҳар бир теримчининг кунлик иш унуми ўртача 10 килограмм кўтарилди. Ҳозир пахта йиғим-теримида 25 мингга яқин киши қатнашмоқда. Кўпчилик хўжаликларда белгиланган графиклар анча ортиғи билан бажарилмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётган районимиз пахтакорлари ва уларга сидқидилдан кўмаклашаётган шаҳарлик биродарларимиз йиллик пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятни тез кунлар ичида бажариш учун бутун куч ва ғайратларини, барча техника воситаларини сафарбар этмоқдалар.

ҚОЛОҚЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Республикамиз меҳнаткашлари пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи босқичга кирдилар. 6 миллион тонналик «оқ олтин»нинг тақдири ҳал қилинмоқда. Шаҳарлик ишчи-хизматчилар, студентлар, маҳалла ва посёлкаларнинг аҳолиси — ҳамма пахтакорларга ёрдамга отланди. Поёнсиз пахтазорлар шиддатли жанг майдонига айланди. Бу жангда ҳамма ғолиб чиқиши, мағлублар бўлмаслиги, терим графиклари 1,5—2 ҳисса бажарилиши, сортга алоҳида аҳамият бериш керак. Энг муҳими, кунлик суръатни кўтариш зарур.

Фарғона областининг Бувайда райони йиллик пахта тайёрлаш планини 70 процентдан зиёд бажариб, республикада карвонбошилик қилаётир. Ленинград, Ўзбекистон, Охунбобоев, Қува районларида ҳам терим ва давлатга пахта топшириш тобора жадаллаштирилмоқда. Тошкент областининг Коммунистик, Ғалаба ва бошқа қатор районларида «зангори кема»лар шарофати билан юксак кўрсаткичларга эришилмоқда. Андижон областининг Ленин, Олтинкўл, Комсомолобод районларида ҳам терим суръатига қанот бахш этилмоқда.

Илғор районларнинг пахта тайёрлашдаги муваффақияти шундаки, бутун куч ва техника воситалари, ички резервлар йиғим-терим ишларига тўла сафарбар этилган.

Бироқ Сурхондарё областининг Гагарин, Жарқўрғон, Шеробод районлари пахта йиғим-теримида ҳаддан ташқари судралиб қолмоқда. Ўтган йилларда бу районлар машина теримини ташкил қилишда байроқдор бўлган эдилар-ку? Нега бу йил орқада қолянти?

Қашқадарё областида ҳам терим суръатини кўтариш учун ҳамма имкониятлар бор. Кўсаклар ёппасига очилди. «Зангори кема»лар теримга шай. Афсуски, Толимаржон, Косон, Баҳористон, Усмон Юсупов районларида ички имкониятлардан терим суръатини оширишда оқилона фойдаланилмаяпти. Партия ташкилотларининг ташкилотчилик, коммунистларнинг авангардлик роли сезилмаяпти. Теримда кескин ўзгариш ясалмаса, кейинчалик «аттанг» деб қолиш мумкин. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Машиналарга умид боғлаётган Бухоро ва Навоий областларида ҳам терим суръатини кўтаришга қаратилган оператив чоралар кўриш керак. Пахта тайёрлашда орқада қолаётган районларнинг партия, совет ташкилотлари, агросаноат бирлашмалари раҳбарларига бир савол:

Теримдаги қолоқликка қачон чек қўясиз?

АКТИВЛИКНИ ОШИРИБ

Группамиз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг халқ назоратчиларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Бизнинг бригадамиз шу кунгача давлатга 300 тонна пахта териб топширди. Пахта тайёрлаш планини 10 октябрда бажаришни мўлжаллаганмиз. Имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, планга қўшимча яна 80 тонна қимматли саноат хом ашёси йиғиб-териб олиш ва шу билан ҳосилдорликни 45 центнерга етказишни кўзлаб турибмиз.

Б. РАҲМОНОВ,
Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхози 3-бригадаси цех халқ контроли группасининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Самарқанд область Пайариқ районидаги Карл Маркс номли колхоз правлениесининг раиси Неъмат **Азимов** узоқ давом этган касалликдан сўнг 1984 йил 6 октябрь куни 47 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

БЕШ ЙИЛЛИК ГВАРДИЯЧИЛАРИ

ҚАДР ИШЧИЛАР ҲАР ҚАНДАЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ УЗАГИГИНА ЭМАС, ИШЧИЛАР СИНФИМИЗНИНГ ИФТИХОРИ ҲАМДИР, УЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УЛАРГА ТАЯНИШ КЕРАК. МОҲИРОНА МЕҲНАТНИНГ ОБРУСИНИ — УМРБОД ЯШАЙДИГАН ЗАРГАРЛИК ИШИ ДЕБ АТАЛАДИГАН СИФАТЛИ ИШНИНГ ОБРУСИНИ КЎТАРИШ ЛОЗИМ.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

ЗАМОНДОШИМИЗ:

АСҚАР МАМИРОВ,

«СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ СОЗЛОВЧИСИ, ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРИ

САМАРАДОР МЕҲНАТ ЗАВҚИ

Моҳир ишчи, Коммунистик меҳнат зарбдори ўз корхонаси ва бригадаси ҳақида шундай ҳикоя қилади:

ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Коллективда 1975 йилдан меҳнат қилади. Ўнинчи ва ун биринчи беш йилликлар зарбдори. Ешларнинг жонкуяр мураббийси, КПСС аъзоси. Тошкент политехника институти кечки бўлими студенти.

Заводимиз қизиқ тарихга эга. Улуғ Ватан уруши бошланишидан бир йил аввал Тошкент шаҳрининг чеккасида тўқимачилик-трикотаж фабрикаси қурила бошланди. У ерда ёрқин рангларда жилоланувчи газлама ва аёллар либосларини тайёрлаш мўлжалланганди. Аммо 1941 йилда фашистларнинг Ватанимиз тупроғига бостириб кириши бу режанинг амалга оғишига тўсқинлик қилди. Заводнинг икки корпуси тўқимачилик дастгоҳлари ўрнига токарлик ва фрезерлик станоклари билан жиҳозланди. 1942 йил ёзида эса завод коллективи фронтга ўқ-дори етказиб бера бошлади.

Завод қаҳрамонона таржимаи ҳолининг илк сатрлари ана шундай тарзда битилди. Кейинчалик унинг тарихида шонли саҳифалар очилди. Бу ерда пахта тозалаш саноати учун асбоб-ускуналар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1957 йилда эса заводга «Ташавтомаш» номи берилиб, корхонадан дастлабки прицеплар пахта далаларига жўнатилди.

Республикада пахта етиштиришни кўпайтириш учун кўплаб тракторлар талаб этиларди. Уларни ишлаб чиқариш вазифаси «Ташавтомаш» коллективига топширилди. Қисқа муддатда мураккаб машинанинг муҳим бўғинларини ишлаб чиқаришга киришиш лозим эди. Бунинг учун цехларни реконструкция қилиш, асбоб-ускуналарни янгилаш, янги технологик жараёнларни ўзлаштириш талаб этиларди. Мамлакатимизнинг бир неча шаҳарларидаги трактор заводлари тошкентликларга керакли станок ва асбоб-ускуналар етказиб бердилар. Ниҳоят 1970 йилнинг 2 апрелида механика-йиғув цехи конвейеридан биринчи — «Т 28Х4»маркали трактор чиқди. Бу кун катта байрамга айланди.

ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ

Юбилей йили топшириқларини барвақт адо этиш юзасидан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажарди. У бошлиқ бригада социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида ҳам ғолиб деб топилди.

Беш йилдан сўнг Тошкент трактор заводида юз мингинчи машина ишлаб чиқарилди. Қачонлардир матбуотда «Давлат қишлоқ хўжалик омборига 20 та «Фордзон» системасидаги трактор келиши» ҳақида ёзилганди. Бу ўзига хос улкан воқеа бўлганди. Бугун эса «ТТЗ» маркаси қўйилган минглаб тракторлар чет мамлакатларга ҳам чиқарилмоқда.

Корхонада фидокорона меҳнати билан ҳурмат қозонган Т. Султонов, А. Криушин, В. Отрошченко, М. Туропов, И. Кравченко сингари илғор ишчилар кўп. Биринчи тракторларни йиғишда бевосита иштирок этган, ҳозирда ҳам ишлаб чиқаришда ўрнак кўрсатаётган бу кишиларнинг тажрибаси биз учун ўзига хос мактаб ролини ўтамоқда. Бригадамизда трактор трансмиссиясининг ўн хил деталлари билан иш кўришга тўғри келади. Шу жиҳатдан олганда унга 17 киши аъзо бўлиши даркор. Бироқ биз 13 киши бўлиб ишлаяпмиз. Шунга қарамай, смена топшириқларини ўртача 125—130 процент бажариб келяпмиз. Бригадамизда меҳнат унумдорлиги юқори бўлаётганлигининг асосий «сир»ларидан бири — аҳиллик ва кўплаб турдош касбларни ўзлаштириб олганлигимиздир.

Коммунистик меҳнат коллективи номини олган бригадамизнинг Г. Мамаюсупова, А. Давлатов, А. Гладченко, М. Бобомуродов, Г. Маметова, А. Маҳмудов каби зарбдор ишчилари номи фақат цехимизда эмас, балки заводимизда ҳам яхши маълум.

Ой сайин бригада йиғилишларида ишимизни таҳлил этамиз. Энг яхши ишчилар тажрибасини оммалаштирамиз. Йўл қўйилган нуқсонлар сабабини аниқлаб, уларни тузатиш чораларини кўрамиз. Одатда меҳнат интизоми масаласини кун тартибига киритаймиз. Чунки у бизда яхши йўлга қўйилган.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Коллектив меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини планга нисбатан 0,5 процент камайтиришга эришади. Беш йиллик топшириқлари муддатидан илгари адо этилади.

Меҳнат интизомини бузганларнинг шахсий ишини сўнгги марта уч йил илгари, бригадамиз ташкил топган дастлабки даврда кўриб чиққандик. Айрим кишилар бизнинг иш суръатларимизга дош беролмай жўфтакни ростлаб қолишди. Баъзи кишиларга эса бригадамиздаги коллективчилик муҳити яхши таъсир ўтказди: улар бугун илғорлар қаторида. Менингча, бригадамиз ютуқлари унинг ҳар бир аъзоси юксак онглилигида. Шунинг учун ҳам йигит ва қизларимиз турли ташаббуслар билан чиқмоқда. ВЛКСМга В. И. Ленин номи берилган куннинг 60 йиллигига бағишланган вахтада коллективимиз ғолиб деб топилди.

Ўзим коллективга ўша тарихий юз мингинчи трактор ишлаб чиқарилган 1975 йилда келиб қўшилдим. Шу орада пармаловчи, токарь, созловчи мутахассисликларини ўзлаштирдим. Ўнинчи ва ўн биринчи беш йиллик марраларини муваффақиятли адо этиб келяпман. 1979 йилда КПСС аъзолигига қабул қилиндим. Бу, зиммамга янада катта масъулият юклади. Меҳнат илғорларининг Москвада ўтказилган тантанали йиғилишида «В. И. Ленин номи билан 60 йил» эсдалик нишонини олишга муяссар бўлдим.

Умумий ишга, корхона шарафига шараф қўшишдаги ҳиссамиз учун бригадамиз бир неча бор корхона коллективлари ўртасидаги меҳнат беллашувида Қизил байроқ ва пул мукофотларини олишга сазовор бўлди. Меҳнатимиз самарасини кўрганда завқланамиз, фахрланамиз.

Суратда: Асқар Мамиров. В. Молгачев фотоси.

Касбдошлар сўзлайди

В. КАЗАЧЕНКО,
26-механика-йиғув цехи бошлиғи

Цехимизда 16 та ишлаб чиқариш бригадаси мавжуд. Шундан 4 таси комсомол-ёшлар бригадасидир. Уларнинг барчаси ягона оралиқ график асосида ишлайди. Бир кунда 94 машина комплекти ишлаб чиқарилади. Маълумки, трактор трансмиссиялари жуда мураккаб механизмдир. Бирор деталнинг ўз вақтида тайёрланмаслиги ишлаб чиқаришда узилишга олиб келиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун барча бригадаларда ишчиларнинг масъулиятини ошириш, сифатни яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга катта эътибор бериляпти.

Цехимиз сентябрь ойи иккинчи ўн кунлиги якунига кўра социалистик мусобақада иккинчи ўринни эгаллади. Эришилган ютуқларга А. Мамиров, Г. Мараров ўртоқлар бошлиқ бригадалар самарали ҳисса қўшишди. Масалан, Асқарни олайлик. У ёш коммунист сифатида актив жамоатчилиги, ишбилармонлиги, одоби билан коллектив ҳурматини қозонган. Тажрибасини доимо ёшларга ўргатиб келмоқда.

Баъзан ишчиларга насиҳат қилишга тўғри келганда Асқарни намуна сифатида кўрсатаман. Қатъиятлиги, принципиаллиги туфайли, технология жараёнларининг энг нозик қирраларигача ўзлаштириб олганлиги, аъло даражадаги мутахассис бўлишига қарамай, ўз билимини янада такомиллаштириб бормоқда. Ҳалол меҳнати туфайли коллектив аъзоларининг ҳурматига сазовор бўлаётир.

К. ҒУЛОМОВ,
Коммунистик меҳнат зарбдори, механика-йиғув цехи токари

Асқар акам билан 1980 йилдан буён ишлаб келаман. Ўрта мактабдан сўнг ишлаб чиқаришга келган дастлабки кунларимда ишга қўникиб кетиш қийин бўлди. Баъзан заводни ташлаб кетиш хаёлига ҳам борардим. Шундай кезларда Асқар акамнинг маслаҳатлари, рағбатлантирувчи сўзлари дадиллик бахш этарди. Ишимни кузатиб тураркан, ўз тажрибасини аямасди. У ўз ишининг чинакам устаси бўлиб етишган.

Уни ўз устозларимдан деб биламан. Асқар акам 3—4 мутахассисликни эгаллаган. Уларни барчамизга сингдириб келаётганлиги сабабли йигит ва қизлар 2—3 ундан турдош касбларга эга бўлди. Шу асосда бригада аъзолари сонини қисқартириб, меҳнат унумдорлигини оширишга эришиб келяпмиз.

БИЗНИНГ ШАРҲ:

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираётган бирлашма коллективи социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиб келмоқда. СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақанинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра, бирлашма биринчи ўринни эгаллади ва кўчма Қизил байроқ билан мукофотланди. Шунингдек, корхона 1984 йил иккинчи квартали якунларига кўра, Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ва шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, тракторсозлар пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан юбилей йили социалистик мажбуриятларини барвақт адо этдилар. Мажбуриятда кўзда тутилган 50 та трактор ўрнига 85 та қудратли машина ва 53 та прицеп пахтакорларга етказиб берилди. Тошкентлик машинасозлар беш йиллик тўртинчи йилида мамлакатимиз пахтакор республикаларига 31 минг трактор ва 38 мингта прицеп етказиб берадилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашаётган тракторсозлар коллективи шонли айёмга муносиб совға ҳозирладилар. Саккиз ой якунига кўра, шартномада кўзда тутилган барча план кўрсаткичлари ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари бўйича ҳам ошириб бажарилди. Пландан ташқари 1 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. 119 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва кўп миқдорда халқ истеъмоли буюмлари тайёрланди. Партиянинг муҳим топшириғи — меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтириш юзасидан социалистик мажбуриятлар шараф билан уддаланди.

Эришилган муваффақиятларда 7,26-механика-йиғув цехлари, 18-автомат цехи, 19 ва 31-трактор йиғув цехлари коллективларининг ҳиссаси катта бўлди. Корхонанинг А. Катагоров, А. Белкин, Г. Мараров, К. Эгамбердиев, А. Жумақулов ўртоқлар бошлиқ бригадалари мусобақада пешқадамлик қилишаётир. Бирлашманинг пармаловчи В. Харитонова, созловчилар М. Туропов ва М. Тешабоев, қирқувчи В. Барина каби илғор ва новатор ишчилари меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар.

КПСС XXVI съездида қабул қилинган мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида «Тошкент трактор заводи» бирлашмасида янги қувватларни ишга тушириш бўйича қатор топшириқлар белгиланган. Ҳозиргача бу соҳада анча ишлар қилинди. Трансмиссия корпусига ишлов бериш цехи ишга туширидик, йилига 24 минг қўйма тайёрланадиган қуювчилик ишлаб чиқариши биноси қад кўтарди. Асбобозлик-штамповка комплекси кенгайтирилди. Ленинск шаҳрида трактор прицеплари заводи биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Эришилган марралар тракторсозлар коллективи учун чегара эмас. Келгусида 100 от кучи қувватига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. 1985 йил январидан бошлаб эса корхона коллективи иқтисодий экспериментда қатнашиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Ўйлаймизки, ўзининг 60 йиллигини нишонлаётган республикамиз йилномасига тошкентлик тракторсозлар бундан буён ҳам кўплаб шонли саҳифалар битадилар.

Подборка материалларини «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири О. БОБОЖОНОВ тайёрлаган.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

МУДДАТЛАРДАН ЎЗИБ

Нукусда қурилаётган керамзит заводининг элеваторида навбатдаги 20 метрли силос минораси тўрт марта кўтарилишда буйёд этилди. Монтажчилар новаторлардан Ю. Болденко билан П. Теннинг таклифига биноан пўлат элементларни ерда йириклаштирилган ҳолда йиғишни ўзлаштириб олдилар. Баландда сермеҳнат ишлар деярли қолмади, шу туфайли ҳар бир минорани монтаж қилишда бутун бир бригаданинг иш ҳафтаси тежалмоқда.

Чунончи, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологияси илғор методларидан фойдаланиш ҳисобига Қизкетган механизациялашган колонасининг ходимлари меҳнатни жадаллаштиришга эришмоқдалар. Бу ерда ой сайин чорак миллион сўмлик иш бажарилмоқда. Бундай суръат заводни шу йилнинг ўзидаёқ, муддатидан бир йил илгари фойдаланишга топшириш имконини беради.

Корхонанинг ҳозирдаёқ қад кўтарган цехларида монтаж ишлари бошланди.

Хом ашё омборида ва тайёрлаш бўлимида машина-ускуналар ўрнатиб бўлинди, асосий технология линияларининг узеллари ва агрегатлари жадал суръатлар билан йиғилмоқда.

Керамзит заводи автоном республика пойтахти учун муҳим аҳамиятга эга. Унинг фойдаланишга топширилиши бу ерда йирик панелли уйсозлик ривожланишини тезлаштиради.

(ЎзТАГ).

Нукус.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

БЕРЛИНДА ТАНТАНАЛАР

Берлинда 6 октябрь куни ГДР ташкил этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Мажлис қатнашчилари ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раиси Э. Хонеккерни, республиканинг бошқа партия ва давлат арбобларини, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясини, бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг делегацияларини давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Э. Хонеккер доклад қилди. Немис ишчи ва деҳқонларининг биринчи давлати бўлган ГДРнинг ташкил этилиши немис халқи тарихида бурилиш нуқтаси бўлди, деди у. ГДР ҳамиша СССР билан мустаҳкам алоқада бўлиб, социалистик ҳамдўстликнинг ажралмас бўғинидир. Бу эса ўттиз беш йил мобайнида унинг гуллаб-яшнашида ҳал қилувчи негиз бўлди. Совет Иттифоқи билан дўстлик халқимиз учун қалб амри бўлиб қолди. ГБСП билан КПСС, ГДР билан СССР ўртасидаги қардошларча жанговар ҳамдўстлик, узвий муштараклик, ҳар томонлама ҳамкорлик ғалаба кунларида ҳам, синов кунларида ҳам ўзининг мустаҳкамлигини тасдиқлади.

ГДР 35 йил давомида Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда халқларнинг ядро ҳалоқати гирдобига тортилишига, ядро уруши авж олдирилишига йўл қўймаслик учун, одамларнинг ҳозирги авлодинигина эмас, шу билан бирга келгуси авлодларни ҳам янги уруш даҳшатларидан халос этиш учун тинмай куч-ғайрат сарфламоқда. Совет Иттифоқининг ва Гитлерга қарши коалициядаги давлатларнинг Иккинчи жаҳон урушида Германия фашизми устидан қозонган ғалабасининг оламшумул тарихий аҳамияти айни бугунги воқеа муносабати билан яна бир бор яққол намоён бўлмоқда.

Мажлис аҳли томонидан самимий кутиб олинган А. А. Громико нутқ сўзлади. У қардош ГДР халқини немис социалистик давлатининг 35 йиллиги билан қизғин табриклади ва шундай деди: яна бир фахрли топшириқни бажаришга ва ГДР коммунистларига, барча меҳнаткашларига шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненкодан самимий қутлов ва энг яхши истаклар топширишга рухсат этгайсиз.

Биз, совет кишилари, КПСС билан ГБСПни, СССР билан ГДРни боғлаб турган мустаҳкам дўстлик алоқалари тўғрисида чуқур самимият билан гапирамиз. Бу дўстлик юз минглаб катта ва кичик ишларда, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини қамраб олган ҳамкорликда намоён бўлмоқда. Совет халқи ўттиз беш йил мобайнида ҳамиша социалистик ГДР билан ёнма-ён бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки, бундан буён ҳам шундай бўлаверади.

А. А. Громико халқаро вазиятга доир масалаларга тўхталиб, Совет Иттифоқи совет халқи ва бошқа халқлар учун ғоят қимматга тушган Европада тинчлик бузилмаслиги учун ҳамма ишни қилади, деди. Социалистик мамлакатларнинг халқаро ишларда ўтказаётган йўли аниқ ва равшандир. Тинчликсеварлик, низоли масалаларни музокаралар столи атрофида ҳал этишга ҳозирлик ва айни вақтда империализмнинг агрессив, авантюрачиликдан иборат йўлига қарши изчил кураш олиб бориш социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг сиёсатида узвий боғланган. Уруш хавфининг кучайишига қарши, деб таъкидлади К. Ў. Черненко, социалистик давлатлар ўз йўлини — тинчликни мустаҳкамлашга, барча суверен мамлакатларнинг конструктив ҳамкорлигига қаратилган йўлни таклиф этмоқдалар. Бизлар бу орада барча давлатларни, кескинлик юмшатилишини ёқлаб чиқаётган ядро телбалигига қарши бўлган барча кишиларни биргаликда куч-ғайрат сарфлашга даъват этамиз.

Пировардида А. А. Громико ГДРнинг барча меҳнаткашларига ривожланган социалистик жамият қуришда, социалистик Ватанни бутун чоралар билан мустаҳкамлашда янги катта муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

● САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

ВАРШАВА. Совет ва Польша саноат корхоналари ўртасидаги бевосита алоқалар бир йил муқаддам имзоланган ҳукуматлараро битим асосида муттасил ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Польшадаги 54 та корхонанинг коллективлари Совет Иттифоқидаги шериклари билан бевосита алоқалар ўрнатишган. Уларнинг кўпчилиги тегишли икки томонлама битимлар тузишган.

Бундай ҳамкорлик ҳозирдаёқ ўз самараларини бермоқда. Чунончи Тарну воеводалигидаги «Замет» механика заводи Краматорскдаги ҳамкасблари билан тузилган шартномага кўра кончилик машиналари учун ўзиюрар шассилар ишлаб чиқариш тўғрисида совет дўстларидан техникавий ҳужжатларни олди. Янги техника келгуси йил Польша шахталарида илк бор ишлатиб синаб кўрилади.

Ҳозир иккинчи бор бунёд этилаётган корхонанинг корпуслари Дунай соҳили бўйлаб чўзилиб кетган. Бу ерда реконструкция ишлари ниҳоясига етказилди, унинг учун техникавий ҳужжатларни совет мутахассислари ишлаб чиқдилар. Реконструкция заводга маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб 60 процент кўпайтириш, интеграция вазифаларини бажаришга яна ҳам кенгроқ киришиш имконини беради.

● КЕМАСОЗЛАР ВАЪДАЛАРИНИ БАЖАРИШДИ

БУДАПЕШТ. 16 тонна юк кўтарадиган сузувчи кранни Венгриядаги кемасозлар ва крансозлик заводининг бутун коллективи биринчи сузишга кузатиб қўйди. Кемасозлар мамлакат фашизмдан озод этилганлигининг бўлажак 40 йиллиги ва ВСИПнинг XIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб СССР учун кранни муддатидан бир ой илгари тайёрлашга ваъда бериб, уни бажардилар. Сузувчи кран совет денгиз портларининг бирига доимий бириктириб қўйилади.

Варшава ва Минск тракторсозлик заводларининг коллективлари маҳсулотни кооперациялаш ҳамда техника янгиликларини жорий этиш проблемаларини умумий куч-ғайрат билан ҳал қилишмоқда. Яқин икки йил мобайнида шу корхоналарнинг мутахассислари 17 та техникавий лойиҳа бўйича биргаликда иш олиб борадилар. (ТАСС).

КОНЧИЛАРГА ҚАРШИ РЕПРЕССИЯЛАР

ЛОНДОН. Буюк Британия консерваторлар ҳукумати мамлакатнинг иш ташлаган кончиларига қарши янги-янги жазо чораларини қўлламоқдалар. Йоркширда стачкачиларнинг соқчиларини тарқатиб юбориш учун полициянинг кучайтирилган нарядлари ташланди. Бу ерда меҳнаткашлардан 4 мингдан кўп киши штрейкбрехерларнинг забойларда ишлашига қарши норозилик билдирмоқдалар. «Тартиб сақловчилар» билан тўқнашув натижасида бир неча киши жиддий жароҳатланди.

Маълумки, шахтерлар ҳукуматнинг яқин вақт ичида кўмир қазиб чиқариш тармоғида ишлаб чиқаришни анча қисқартириш ҳамда ишчиларни ялпи ишдан бўшатиш режаларига қарши ярим йилдан кўпроқ вақтдан буён сабот билан курашиб келмоқдалар. (ТАСС).

СВАПОнинг жанговар муваффақиятлари

ЛУАНДА. Жануби-Ғарбий Африка халқ озодлик ташкилоти (СВАПО)нинг бу ерда тарқатилган баёнотида бундай дейилади: Намибия халқ озодлик армияси шу йилнинг май—июль ойларида ўтказган ҳарбий операциялар вақтида ирқчи ЖАР босқинчи армиясининг 220 дан кўп солдати ва офицери ўлдирилган ва жароҳатлантирилган. Намибия халқ озодлик армияси жангчилари муваффақиятли ҳаракат қилишлари натижасида кўплаб миқдорда қуроллар, ҳарбий аслаха ва анжомларни ҳам қўлга туширганлар.

Баёнотда Намибиянинг маҳаллий аҳолиси Жанубий Африка оккупациячи қўшинларига қарши озодлик курашини яна ҳам кенг авж олдиришга чақирилади.

(ТАСС).

ИРҚЧИЛАР ЎЧ ОЛИШМОҚДА

ХАРАРЕ. Жанубий Африканинг жазо отрядлари Африканинг Иоганнесбург чекасидаги Соуэто ва Тсакане шаҳарлари аҳолисининг ирқчиларга қарши тинч намойиши қатнашчиларига қарата резина ва сочма ўқларни отдилар. Шафқатсиз ўч олиш натижасида уч киши оғир жароҳатланди, ўнлаб кишилар қамоққа ташланди.

Африкаликларнинг бир неча ҳафтадан буён давом этаётган оммавий намойишлари, апартеид режими баъзи арбобларининг эътироф қилишича, мамлакатда «танг вазият»ни вужудга келтирди. Маъмурлар меҳнаткашлар намойишларининг кучайишини бостириш учун қаттиқ чораларни қўлламоқдалар: қуролсиз кишиларга нисбатан ўқ отиш қуролидан, кўздан ёш оқизувчи газ тўлдирилган гранаталардан, қамчи ва электрли таёқчалардан фойдаланмоқдалар. Сўнгги ойдагина, ҳатто очиқдан-очиқ пасайтириб берилган расмий маълумотларга кўра, камида 70 киши ҳалок бўлган, юзлаб кишилар жароҳатланган, кўп киши қамоққа олинган. (ТАСС).

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

НЬЮ-ЙОРК. Халқаро вазиятни соғломлаштириш, қуролланиш, биринчи навбатда ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш, давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг принципиал масалалари БМТ Бош Ассамблеяси XXXIX сессиясининг диққат марказида турибди.

«Ядро фалокатининг олдини олиш ҳозирги замоннинг энг асосий масаласи эди ва шундай бўлиб қолаверади», деди ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер сессияда давом этаётган умум сиёсий мунозарада. Социалистик мамлакатлар халқаро вазиятни соғломлаштириш кенг программасини таклиф этдилар. Шу муносабат билан О. Фишер совет тинчлик ташаббусларининг жуда катта аҳамиятини таъкидлади. Бу ташаббуслар ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг хулқ-атвор кодексини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, ядро қуролини биринчи бўлиб қўлланмаслик, космоснинг ҳарбийлаштирилиши олдини олиш, давлат терроризми сиёсатини халқаро муносабатлар практикасидан чиқариб ташлаш масалалари шу кодекса киритилган.

Ангола ташқи ишлар министри П. Жоржи халқаро ҳамкамиятни БМТ Устави принципларини қўпол равишда бузаётган, янги мустамлакачилик урушларини олиб бораётган, ёш мустақил давлатларга қарши агрессия хуружларини чиқараётган ва амалга ошираётган империализм кучларини жиловлашга даъват этди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ БАЙРУТ. Исроил армияси босиб олган Жанубий Ливанда интервенциячиларга қарши қуролли кураш давом этмоқда. Бу ерда олинаётган хабарларга қараганда, Шим қишлоғи районидаги Авали дарёсининг шимолида партизанлар қўйган минадан Исроилнинг механизациялаштирилган соқчи составига кирувчи оғир танки портлаб кетган. Босқинчилардан 3 киши жароҳатланган.

✦ ТОКИО. Японияннинг энг катта саноат марказларидан бири — Осака шаҳрида уруш-га қарши намойиш бўлиб ўтди. Намойишда хотин-қизларнинг оммавий демократик ташкилоти — янги Япония хотин-қизлар кенгашининг активлари, жамоатчилик намояндалари қатнашдилар. Улар «Японияда Америкининг «Томагавк» ядровий қанотли ракеталари жойлаштирилмасин!», «Болалар ва оналарга ядро қуроли керак эмас!» деган сўзларни баланд овоз билан такрорладилар.

✦ БРАЗЗАВИЛЬ. Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) Намибия халқи мустақилликка эришмагунича Жанубий Африка босқинчиларига қарши курашни давом эттираверади, деди бу ерда СВАПО президенти Сэм Нуйома. СВАПО президенти Р. Рейган маъмуриятини ЖАР ирқчи режимига ошкора хомийлик қилаётганликда айблади. Преторія, деди у, АҚШнинг мададисиз Намибияга мустақиллик бериш ҳақида БМТ қарорини рад эта олмаган бўлур эди.

(ТАСС).

ДЕҲҚОН ҲАРАКАТИ—ХИРМОН БАРАКАТИ

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Теримда ҳар минут, соат ва кунлар ғанимат. Вақтнинг қадрига етиб, суръатни кескин кўтаришга эришинг. Кунлик графикларни ортиғи билан бажариш шарафли бурчингиздир. Кўпминг килограммчи теримчилардан ибрат олинг ва уларга тенглашинг!

● Юкнинг оғирини кўтаришга даъват этилган механик-ҳайдовчиларимиз ғайрат отига қамчи боссинлар. Кунига ҳар бир бункердан 15-20 тонна дурдона тўкилишини таъминласинлар. Дала гвардиячилари деган номни бунёдкорлик меҳнати билан оқлайлик!

● Айрим жойларда бир оз ёғингарчиликлар бўлиб ўтди. Бундан чўчимаслик керак. Куз ҳавоси ўзгарувчан бўлади. Ақл-заковат билан иш тутиб, теримни нечоғли тезлаштирсак, борлиқ ҳосилни шунча эртароқ йиғиштириб оламиз. Пахтакорларимизга ёғингарчиликлар писанд эмас!

● Ҳамма пахта теримига!

Наманган районидаги Оржоникидзе номли колхозининг А. Қосимов етакчилик қилаётган бригадасида кўпминг килограммчилар кўп. Булар қаторида Ҳамрохон Содиқова, Олтиной Юсупова сингари чевар теримчилар ҳам бор. Икки дугона ўзаро мусобақалашиб ишлаб, кунига 100—120 килограммдан «оқ олтин» теришга муваффақ бўлишяпти. Айни пайтда улар пахтанинг мисқолига гард юқтирмасликка ҳаракат қилишмоқда. Суратда: илғор теримчилардан Ҳамрохон Содиқова ва Олтиной Юсуповалар бугунги терим суръатидан мамнун.

Е. Ботиров фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОММУНИСТЛАР ЙИҒИМ-ТЕРИМ БАЙРОҚДОРЛАРИ

ҲАМИША ОЛДИНДА

Энг масъулятли дамларда курашнинг олдинги сафларида бориш, қийинчиликларни енгишда ва белгиланган марраларни эгаллашда авангард бўлиш коммунистларга хос юксак фазилат. Бугунги ҳиммат ва жасорат кўрсатадиган жабҳа — пахта майдонидир. Шу боисдан колхоз партия ташкилотининг ҳозирги кўп қиррали фаолияти битта асосий мақсадга — юбилей йили улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга қаратилган.

ПАРТИЯ ташкилоти ҳисобидаги 160 коммунистнинг 85 проценти йиғим-теримда бевосита иштирок этмоқда. Албатта, қатнашиш билан қатнашишда фарқ бор. Энг муҳими, теримда шахсан ибрат бўлишда, активлик, ташаббускорлик кўрсатишда, социалистик мусобақага моҳирлик билан етакчилик қилишдадир. Шу жиҳатдан қараганда, коммунистлар ўз бурчларини ҳалол, виждонан адо этмоқдалар.

Коммунистик меҳнат зарбдори, 6-бригада партия ташкилотининг секретари Олмажон Собирова мавсумда 10 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилди. У бошлаган ташаббусга бригаданинг ўттиздан ортиқ теримчиси қўшилди. Олмажоннинг сўзи билан иши бир жойдан чиқмоқда. 10 тоннанинг дастлабки тоннасини тўққиз кундаёқ хирмонга тўкди. Демак у кунлик кўрсаткични 100 килограммдан оширяпти. Оловқалб коммунистнинг кўпминг килограммчи ишдошлари ҳам кунига 90—100 килограммдан дурдона теришга эришаётирлар.

Бугуннинг қаҳрамонлари — терим илғорлари рўйхатида «Ҳурмат Белгиси» ордени соҳибаси, КПСС аъзоси Соражон Норматова ҳам бор. У кейинги беш кун ичида 540 килограмм пахта териб, мусобақада пешқадамликни эгаллади. Унинг мусобақадоши коммунист Бекпошша Кенжаева хирмонга ҳар куни 100 килограммга етказиб «оқ олтин» тўкмоқда. Бундай фидойи коммунистлар кўпминг килограммчилар орасида озмунча эмас. КПСС аъзоси Гулжон Бозорованинг пахтани тез ва тоза теришдаги ибратли тажрибаси жанговар варақа саҳифаси орқали оммалаштирилди.

Коммунистлар етакчилик қилаётган 50—60 центнерчилик ҳаракатига қўшилган Боғбек Қаландаров, Олим Рўзматов, Қаландар Авазов, Шоназар Жуманазаров бошлиқ бригадалар пахта тайёрлаш планини кун сайин ошириш билан бирга толанинг юқори сифатли бўлишига эришмоқдалар. КПСС аъзолигига кандидат Ҳайитжон Қутлиева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси «Норма бажармайдиган битта ҳам теримчи бўлмайди», деган ташаббус билан чиқиб, уюшқоқлик ва юксак интизом намунасини кўрсатаётир. Натижада ҳар бир теримчининг ўртача кунлик иш унуми 80 килограммни ташкил этяпти.

Йиғим-теримнинг муваффақияти дала гвардиячиларининг ғайрат-шижоатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Иккита терим-транспорт отряди ва еттита звено тузилиб, уларга 26 та терим машинаси, 6 та погрузчик, 85 та прицеп, 15 та кўрак териш ва 16 кўсак чувиш машиналари бириктирилган. Машина теримига ажратилган 1100 гектар майдонда дефолиация ўз муддатида ўтказилди. Терим-транспорт отрядларига колхоз партия комитети аъзолари М. Давлатов ва О. Султонов бошчилик қилишяпти. Еттита муваққат партия группаси звеноларда иш олиб бормоқда. Партия группаси ташкилотчиларидан К. Рўзметов, М. Раҳматов ва Қ. Отажоновлар механизаторлар ўртасида ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишларни намунали йўлга қўйганлар. Область партия комитети ревизия комиссияси аъзоси Ҳавасхон Ҳусанова, КПСС аъзолари Худойберган Йўлдошев, Олтин Сафоева, КПСС аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Рўзибой Рўзиматов каби дала гвардиячилари мавсумда 200—220 тоннадан пахта териш мажбуриятини олганлар. Коммунистнинг лафзи қатъий бўлади. Улар ўз аҳдларига сўзсиз вафо қиладилар. Далаларимизда эрта-индин «зангори кема»лар парвози оммавий равишда бошланиб кетади.

Шу факт қувончлики, умумий сафарбарлик эълон қилинган долзарб кунларда кўкса коммунистлар ҳам ўз хоҳишлари билан йиғим-теримда фаол иштирок этмоқдалар. Зотан, ҳақиқий коммунист токи унинг юраги уриб турар экан умумхалқ ишидан асло четда туролмайди. КПСС аъзоси 73 яшар Ортиқ ота Давлатов лудратчи звенога бош бўлиб, оиланинг хирмонга кунлик ҳиссасини 360 килограммга етказди. 1941 йилдан КПСС аъзоси, меҳнат ветерани Ёқутжон Авазова этак тақиб далага чиқди. У қизлари, набиралари билан ёнма-ён меҳнат қилмоқда. Кекса коммунистлардан Иброҳим Сафаев, Улуғ Ватан уруши ветерани Отамурод Юсупов пахта теримида актив қатнашаётирлар. Ватанпарварлик ва интернационал бурчга садоқат намунасини кўрсатаётган отахон ва онахонлар ибрати қалбларга илҳом ва ғайрат бағишламоқда. Пенсионерлар пахта нобудгарчилигига қарши курашда ҳам ҳайрли ишларга бош-қош бўлишяпти.

Партия комитети социалистик мусобақани ташкил этиш, теримчилар ўртасида ташкилотчилик ва оммавий сиёсий ишларни намунали уюштириш, цех, бригада партия ташкилотлари, муваққат партия группалари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириб туришга катта эътибор бермоқда. Терим илғорларини рағбатлантириш учун кўчма Қизил байроқ, вимпел таъсис этилган. Мукофот фондига 30 минг сўм пул ажратилди. Мусобақа ҳар беш кунда якунланиб, илғор терим-транспорт звеносига кўчма Қизил байроқ билан пул, илғор механизаторлар ва теримчиларга вимпел ва пул мукофоти, совғалар берилади. Бригадалар ўртасидаги мусобақа ҳар ўн кунда якунланади. Пахтакорларга савдо, медицина ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Иссиқ овқат ташкил қилинган. 4 та доимий, 21 та мавсумий боғча-ясли ишлаб турибди. Дала шийпонлари теримчиларнинг иккинчи уйи, маданий ҳордиқ чиқариш жойи ва оммавий-сиёсий ишлар маркази. 45 агитатор, 21 сиёсий ахборотчи, «Билим» жамиятининг 27 аъзоси пахтакорлар ўртасида оммавий тушунтириш ишларини олиб боришяпти. С. Султонов, О. Бектурдиев, Ў. Абдуллаев каби агитаторлар ҳаққоний сўз жозибаси билан пахтакорлар ғайратига ғайрат қўшмоқдалар. Қишлоқ Совети депутатлари, халқ назоратчилари партия ташкилоти ишига самарали ёрдам кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Колхозимиз пахтакорларининг юбилей йилидаги марраси ялпи ҳосилни 7800 тоннага, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишдан иборат. Бу планда кўзда тутилганидан минг тонна зиёддир. Толанинг сифатини яхшилашни ўз олдимизга биринчи даражали вазифа қилиб қўйганмиз. Зиммага олган юксак мажбуриятларни бажаришда коммунистларнинг активлиги ва авангардлик ролини янада ошурамиз. Улар том маънода оммаиинг жанговар ташкилотчилари бўлишига эришамиз.

Аҳмаджон АБДУЛЛАЕВ,
Хонқа районидаги «Правда» колхози партия комитетининг секретари.

ТЕРИМЧИЛАР СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

Шу долзарб кунларда пахтакорлар билан бирга минг-минглаб ўқувчилар, студентлар, шаҳарлик ҳашарчилар юбилей йили ҳосилининг бир толасини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун курашмоқдалар. Областимиз шифокорлари «оқ олтин» теримида бевосита қатнашиш билан бирга даладагиларга медицина хизмати кўрсатишни ҳар қачонгидан ҳам оперативроқ, қулай ва самаралироқ йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдалар.

Пахтакор районининг марказий касалхонасида медицина-санитария хизматини мувофиқлаштириб борадиган область дала штаби иш бошлади. Унинг ишига областдаги етакчи мутахассис шифокорлар, дори-дармон ва медицина жиҳозлари бўйича таъминот базаларининг масъул ходимлари жалб этилган. Улар тиббий хизмат ишларини назорат қилиш, шу соҳанинг моддий-техника таъминотини бошқариш билан бирга районлардан келган сўровларни оператив равишда ҳал қиладилар. Бош штаб ихтиёрига зарур дори-дармон, медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган учта автомашина ажратилган. Ҳар бир машинада терапевт, невролог, стоматолог, инфекция врачларидан иборат бригада бор. Улар бевосита пахтакорлар ишлайдиган жойларга бориб, умумий ишга ҳалақит бермаган ҳолда медицина хизмати кўрсатишади. Бу машиналар аниқ график асосида районлар, хўжаликлар ва бригадаларнинг дала шийпонларига, механизаторлар отрядлари ишлайдиган пайкалларга боришади. Умуман 70 врач, ўрта маълумотли тўқсонта медицина ходими бевосита даланинг ўзида медицина хизмати кўрсатмоқда. Улар орасида ўз касбининг устаси сифатида танилган Д. Мирзаева, Н. Норқўзиев, Х. Искандаров, С. Қосимов, Д. Зокиров, М. Содиқов, М. Салоҳиддинов каби врачлар бор.

Йиғим-терим бошланишидан олдин барча механизаторларни медицина кўригидан ўтказдик. Шунингдек, дефолиация жараёнида ишлаётган учувчи-ю, техник ходимлар, сигналчилар заҳарли химикат билан заҳарланмасликлари учун, аҳоли яшайдиган жойларга яқин далаларга авиация ёрдамида дори сепмаслик учун тегишли чора-тадбирларни кўрдик.

Шуниси ҳам борки, пахтакорларга фақат зарур бўлгандагина медицина хизмати кўрсатиш билан чекланмасдан, уларнинг соғлиғини изчил назорат қилиб борамиз, касалликларга чалинмасликлари учун курашамиз. Шу мақсадда областдаги барча дала шийпонлари санитария-гигиена талаблари асосида жиҳозланишига, уларда медицина бурчаги бўлишига эришдик. Медицина бурчагида тез ёрдам жараёнида зарур бўладиган дори-дармонлар, шунингдек, турли касалликлар олдини олиш ва уларга қарши кураш усулларига оид адабиётлар бор. Пахта йиғим-терим кампанияси даврида меҳнаткашларнинг бўш вақтларини топиб, медицина темаларида суҳбатлар ўтказамизки, бу нарса ўз навбатида касалликларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари кўчма сартарошхоналарнинг ишлашини, меҳнаткашларнинг тўйимли иссиқ овқат билан таъминланишини кузатиб борамиз.

Хуллас, республикамизнинг олти миллион тонналик «оқ олтин» хирмонини тезроқ тиклаш учун курашда дала меҳнаткашлари билан ҳамкору ҳамдастмиз.

А. АЛИМҚУЛОВ,
Жиззах область соғлиқни сақлаш бўлими мудири.

Ялпи сафарбарлик — шу куннинг шиори

УЮШҚОҚЛИК КЎРСАТИБ

Колхозимизда бу йил пахтадан юқори ҳосил етиштирдик. Йиғим-теримни ҳам ғоятда уюшқоқлик билан бошладик. Бир сўз билан айтганда 1114 гектар майдондан 4400 тонна юқори сифатли пахта йиғиштириб олиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Гап шундаки, ҳозир ҳар кун, ҳар дақиқада суръатни кўтариб боришимиз керак. Бу қўлдан келадиган иш. Нега деганда тонг саҳарда ишга чиқсак, қош қорайгунча астойдил ҳаракат қилсак, иш вақтининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаласак меҳнат унумдорлиги юқори бўлаверади.

Биз оилавий терим отряди туздик. Тўрт фарзандимни ёнимга олиб, теримнинг дастлабки кунлариданоқ астойдил ишга киришдик. Хирмонга кунига 200—230 килограммдан пахта топшира бошладик. Кейинчалик суръат 300 килограммгача кўтарилди. Ҳозир кунига 400 килограммдан ошириб пахта термоқдамиз.

Муваффақият сири нимада? Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Фақат ҳаққонлик билан ҳалол меҳнат қилиш керак. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан юқорироқ кўрсаткичларга эришишни кўзлаш керак. Бугунги ютуқ билан қаноатланиб бўлмайди. Бундай дейишимнинг сабаби шуки, ҳали далаларда ҳосил мўл. Уни сира нобуд қилмай, сўнгги чаноқларигача йиғиб-териб олиш, сифатли ҳолда давлатга топшириш муқаддас бурчимиздир.

Механизаторлар ҳам астойдил ишга киришдилар. 10 та «зангори кема»нинг ҳар бири билан кунига ўртача 7—8 тоннадан дурдона териляпти.

Колхозимизда пахта йиғим-теримида 1050 киши қатнашяпти. Лекин бошқа иккинчи даражали ишлар билан банд бўлиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Кун тартибидаги бугунги бош масала — теримда суръатни кескин кўтаришдан иборатдир. Шундай экан бошқа ишларга зарар етказмаган ҳолда ҳар бир киши ва ҳаммани пахтазорга сафарбар этиш керак.

Бир мисол келтираман. Омон Ўроқов бошлиқ бригада ҳамма теримга чиқди. Прогулчилар, норма бажармовчилар қолмади. Социалистик мусобақа кучайтирилиб, кунлик якун мунтазам эълон қилиб бориляпти. Бригадирнинг ўзи ҳам теримда қатнашмоқда. Пахта сортини бузмаслик, чаноқларда қолдирмаслик, ерга тўкилишига йўл қўймаслик, вақтида тайёрлов пунктига жўнатиш устидан қаттиқ назорат олиб борилмоқда. Сифат ҳамиша пахтакорларнинг диққат марказида бўлаётир. Натижада бригада азаматлари колхоз бўйича пахта тайёрлашда энг юқори кўрсаткичга эришмоқдалар.

Теримчилар ўртасида мусобақа яхши ташкил этилди. Илғор теримчилар мунтазам равишда, моддий ва маънавий рағбатлантириб бориляпти. Уларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилиб, ҳаммаиинг мулкига айлантирилмоқда. Ошкора айтиш керакки, дастлабки кунларда айрим теримчилар хом пахтани теришга йўл қўйдилар. Этаклардаги «оқ олтин»ни хирмонга топширмасдан пайкалларнинг орасига тўкиб кетиш ҳоллари учради. Бу пахта сортининг пасайишига олиб келиши турган гап эди. Эндиликда ана шундай ҳолларга бутунлай барҳам бердик. Кўп ва тоза пахта териш виждоний бурчимизга айланди.

Олдимизда ҳали кўп қийинчиликлар учраши мумкин. Ундан чўчимаслигимиз керак. Ғайрат отига қанчалик тез қамчи боссак, ғалаба манзилига шунчалик барвақт етамиз. Теримда суст-кашлик, ўзибўларчиликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Беғамлик, бепарволик кўринишларига бутунлай барҳам беришимиз керак. Биз, теримчи деган шарафли касб эгасимиз. Уни меҳнатда оқлашимиз, ўз зиммамизга олган юксак социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажаришимиз лозим. Онламиз аъзолари шу бугундан бошлаб 500 килограммлик маррани эгаллайдилар ва бу суръатни сира сусайтирмайдилар.

Эргашой НОРҚУЛОВА,
Пахтачи районидаги «Самарқанд» колхозининг теримчиси.

ДАЛАДА САВДО

Ёз бўйи қилинган меҳнат эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни йиғиб-териб олиш учун бутун куч ва имкониятлар сафарбар этиляпти. Бугун республикамизда ҳамма пахтакор! Кексаю ёшнинг ўрни пахтазорда.

Йиғим-терим ишларининг ҳал қилувчи палласида пахтакорларга, далада тер тўкаётган қишлоқ меҳнаткашларига барча мадад қўлини чўзмоқда. Теримчиларнинг қимматли вақтини беҳуда кетказмаслик учун уларга қўлидан келган ёрдамини аямаётир.

Ғиждувон шаҳар матлубот жамияти ходимлари шу кунларда дала меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Бунинг учун махсус автодўконлар ажратилган. Улар пахтакорлар учун зарур товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган.

Суратда: автодўконнинг сотувчи-шофёри Раҳим Зикриллаев «Коммунизм» колхози даласида тушлик пайтида савдо қилмоқда.

В. Молгачев фотоси.

ГРАФИК НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Кегайли районида пахтакорлар учун яхши маданий-маиший шароит яратилмаган. Белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетмоқда

Кегайли — Қорақалпоғистон автоном республикасининг шимолдаги йирик пахтакор районларидан бири. Район ва овул Советлари депутатлари пахтакор ва механизаторларга бош-қош бўлиб, пахтадан мўл ҳосил кўтаришда, етиштирилган ҳосилни тез йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Депутатлар раҳбарлик қилаётган ўнлаб бўлимлар ва бригадаларда ҳар куни йиллик планнинг 3,5—4 проценти миқдорида пахта тайёрланмоқда. Илғор «зангори кема» капитанлари кунига 6—8 тоннадан пахта териб социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар. Айни шу кунларда район Советининг 36 депутати, посёлка Советининг 48 депутати, овул Советларининг 225 депутати теримда қатнашмоқдалар.

Район партия комитети, район ижроия комитети томонидан хўжаликлар, бўлимлар, бригадалар механизаторлар ва теримчиларни рағбатлантириш мақсадида кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар таъсис этилди. Социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигига ҳар ўн кунда якун ясалмоқда. Бироқ пахта териш ва тайёрлаш суръатида силжиш сезилмаяпти.

Юбилей йилида район пахтакорлари 35 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга қарор қилганлар. Ҳамма хўжаликларда социалистик мажбуриятларни ошириб бажарадиган даражада ҳосил етиштирилди. Энди гап ҳосилнинг бир граммини ҳам нест-нобуд қилмасдан териб олишда. Ҳамма хўжаликларда, бўлим ва бригадаларда пахта чамандек очилишига қарамасдан белгиланган графиклар бажарилмаяпти. Сентябрь ойининг сўнгги беш кунлиги бўйича белгиланган графикни райондаги битта ҳам совхоз бажаргани йўқ. Теримда қатнашган 97 та «зангори кема»нинг ҳар бири билан тарилаётган пахта 2—2,4 тоннадан кўтарилмаяпти. «Кегайли», «Халқобод», Куйбишев номли совхозлар ўтган беш кунликда йиллик планнинг 10,8 проценти ўрнига 7,8—8,5 процентдан пахта тайёрлади. Кўпчилик бўлим ва бригадаларда тайёрланган пахта 5 процентга ҳам етмади.

1 октябрдан 10 октябргача белгиланган графикка мувофиқ районда ҳар куни 3,1 процент миқдорида пахта тайёрланиши керак. 2 октябрь куни М. Жуманазаров номли совхозда 1,93 процент, «Кегайли» совхозида 1,59 процент, «Халқобод» совхозида 1,66 процент, Куйбишев номли совхозда 1,85 процент, «Қизил аскар» совхозида 1,63 процентдан пахта тайёрланди.

Октябрь — йиғим-терим тақдирини ҳал қиладиган ой. Ойнинг биринчи кунидан белгиланган графикни бажаришга эришмаган хўжаликларнинг раҳбарларидан, активларидан нима кутиш мумкин?! Ахир ғанимат кунлардан унумли фойдаланиш лозимку. Оби-ҳаво ўзгариб, ёғингарчилик бошлангач, аттанг, деб қоламиз. Масалан, район хўжаликларида 300 «зангори кема»нинг ўндан икки қисми ишга яроқли, холос. 8900 кишидан 1500—2000 киши теримга жалб қилинмаяпти. Кўпчилик совхозларда теримни ташкил қилиш ишлари қаноатланарли эмас. Совхозларда, бўлимларда, бригадаларда меҳнат интизоми, талабчанлик, масъулият бўшаштириб юборилган. Шунинг учун ҳам Кегайли райони пахта тайёрлашда Қорақалпоғистон автоном республикасида энг охирги ўринда келмоқда.

Теримда қатнашувчи пахтакорлар, механизаторлар, ҳашарчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш бўйича халқ депутатлари район Совети ижроия комитети томонидан ибратли тадбирлар ишлаб чиқилди. Бироқ район ижроия комитети, овул Совети ижроия комитети, посёлка Советлари масъул ходимлари бу тадбирлар бажарилишини назорат қилмаганлар. Совхозларда дала шийпонлари йўқ. Кейинги йилларда бирон хўжаликда ҳам типовой дала шийпони қурилмаган. Шунинг учун ҳам теримчилар, ҳашарчилар туш пайтида овқатланадиган жой йўқ. Бригадаларда иссиқ овқат ташкил қилинмаган. Теримчилар уйларига бориб овқатланишади. Айрим совхозларда пахтакорларга хизмат кўрсатадиган маиший точкалар ташкил қилинмаган. Баъзи магазинлар ёпиқ. Улар қачон ва соат нечагача ишлашини билиб бўлмайди. Совхозларда мактабгача ёшдаги ўғилқизлар учун бригадаларда мавсумий болалар боғчалари ташкил этилмаган.

Масалан, «Қизил аскар» совхозида бир-икки бригадаги мавсумий боғчаларни ҳисобга олмаганда ҳамма бригадаларда мавсумий боғчалар қоғозда тузилган. Ташкил қилинганлари эса иссиқ овқат билан таъминланмайди.

— Болалар кун бўйи овқатланмасдан юришадими?— деб сўраганимизда, совхоз раҳбарлари бунинг учун «маблаг ажратилмаган» деб жавоб беришди. Овқат билан таъмин қилинмаса! мавсумий болалар боғчаси ташкил қилинишининг нима кераги бор?

— Теримчиларга қулай шароит яратиб беришда камчиликларнинг борлиги тўғри, — деди район агросаноат бирлашмаси Совети раиси Ш. Ойназаров.— Биз бу камчиликларни тугатиш учун барча тадбирларни амалга оширамиз. Теримда йўл қўйилаётган ҳозирги камчиликларни тугатсак, суръатни кунига қўшимча 1,4-1,7 процентга кўтарган бўламиз.

Камчиликларни тай олиш билан иш юришмайди. Ҳақиқий ишга ўтиш пайти етди. Шундай интизом бўлсинки, белгиланган графикни ҳар бир хўжалик, бўлим, бригада, механизатор, теримчи ва ёрдамчи сўзсиз бажарсин.

Механизаторлар ва теримчиларни меҳнатга руҳлантириш учун сиёсий-тарбиявий ишлар жонлантирилиши керак. Район хўжаликларида эса жанговар варақалар, «Молния»лар чиқарилмаяпти. Совхозларда кунлик ўсишни кўрсатадиган кўрсаткич тахталар, «Ҳурмат тахта»лари ташкил қилинмаган. Ишлаб чиқаришда йўл қўйилаётган камчиликларни тугатишда депутат группалари, постлари қандай иш олиб бораётганлигини кўролмадик. Районда 37 депутат группаси, 8 депутат постларининг рўйхатлари қоғозда бор. Терим пайтида ана шу постлар, группалар томонидан бир марта ҳам текшириш, рейд ўтказилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин!

Район партия комитети, район ижроия комитети, коммунистлар, халқ депутатлари теримда ташаббускорлик кўрсатсалар, кунлик график албатта ошириб бажарилади ва пахта тайёрлаш плани барвақт адо этилади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири,
А. ХОЛМУРОТОВ,
«Совет Қорақалпоғистони» газетаси мухбири.

Ўлкамиз ноз - неъматлари

САХОВАТ

ССCРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасига кўра республикамизда кейинги ўн йил ичида мева ва резавор мева етиштиришни тахминан 1,8, узум етиштиришни эса 3 баравар кўпайтириш кўзда тутилган.

Фаровонлик программасини муваффақиятли амалга оширишга ҳисса қўшиш учун астойдил курашаётган мева ва узумчиликка ихтисослаштирилган Булунғур райони ноз-неъмат бунёдкорлари йил сайин ҳосилдорликни ошириб боришга эришмоқдалар.

Район боғбонларининг юбилей йилидаги марралари янада улкандир. Улар ўз зиммаларига мавжуд 7820 гектар ҳосилли токзорлардан 68 минг тонна узум, 2423 гектар боғлардан 13700 тонна мева етиштиришдек юксак социалистик мажбурият қабул қилишган. Шундан 20 минг тоннага яқин узум ҳамда хўл мевани умумиттифоқ фондига жўнатиш мўлжалланган.

Боғбонлар томонидан йиғиштириб олинаётган узум пешма-пеш меҳнаткашлар дастурхонига, район марказида жойлашган вино комбинатига ва унинг жойлардаги филиалларига жўнатилмоқда. Районда илғорлар тажрибасига сидқидилдан амал қилаётган, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга дадил татбиқ этиб, йилдан-йилга узумчиликдан юқори ҳосил етиштираётган хўжаликлар, бўлимлар, бригадалар кўплаб топилади. «Булунғур» совхозининг 1-бўлим бошқарувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Икром Юсупов, «Красногвардейский» совхозининг бўлим бошқарувчиси Меҳнат Қизил Байроқ ордени соҳиби Раббим Назаров, Фозил Йўлдош ўғли номли совхоз илғор бригада бошлиқлари Меҳнат Қизил Байроқ ҳамда «Ҳурмат Белгиси» орденлари нишондори Анорбой Сатторов, Умир Ғаффоровлар шулар жумласидандир.

— Бўлимимизнинг соҳибкорлари йилдан йилга узумдан мўл ҳосил етиштиришга эришмоқдалар, —дейди биз билан суҳбатда «Булунғур» совхози бўлим бошқарувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Икром ака Юсупов. — Беш йилликнинг уч йили давомида қўлга киритган ютуқларимизга бир назар солинг. Планда кўзда тутилган 5499 тонна ўрнига 6910 тонна узум топширдик. Ишчиларимизнинг ўз меҳнатларига яраша олаётган даромадлари ҳам чакки бўлмади. Биргина ўтган хўжалик йилида бўлимимиз бўйича 100 минг сўмга яқин мукофот пули олдик. Бу ҳар бир ишчи 1 сўм ҳисобига 1 сўм 70 тийиндан устама ҳақ олди деган сўз. Бўлимимиз соҳибкорларининг бу йилги даромадлари янада кўп бўлиши кўзда тутилмоқда.

Икром Юсупов саркорлик қилаётган бўлим боғбонлари республикамизнинг шонли юбилейи нишонланадиган йилда ўз зиммаларига улкан социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Мавжуд 154 гектарга яқин ҳосилли токзорларнинг ҳар гектаридан пландаги 126 центнер ўрнига 150 центнердан ёки бўлмаса 1950 тонна ўрнига 2500 тонна сершира узум етиштиришдек улкан мақсад йўлида хормай-толмай меҳнат қилаётган бўлим соҳибкорлари районда биринчилар қатори дастлабки довондан ошдилар. Улар шу кунгача эл дастурхонига 2200 тоннадан зиёд узум армуғон этиб йиллик планни 115 процентга адо этдилар. Бўлим соҳибкорлари социалистик мажбуриятларини ҳам яқин кунлар ичида бажариш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Юбилейолди меҳнат вахтасида туриб кунлик суръатни тобора ошираётган булунғурлик ноз-неъмат бунёдкорларининг ҳадемай зафар қучишларига шак-шубҳа йўқ.

Х. ҚОСИМОВ,
Самарқанд области.

ШИФОКОРЛАР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ГЎЗАЛСАН, ҲАЁТ!

Киши ўзини нохуш сеза бошлади ми — тамом, дунёдаги барча гўзал нарсалар унга аслидай бўлиб туюлмайди. Зеро ҳарорати кўтарилган ёки эти увишаётган бемор тинч жой излаб қолади, шифокорга кўринишга эҳтиёж сезади. Тошкентлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ҳотам ака Муҳаммадкулов қаттиқ шамоллаб 17-шаҳар клиник касалхонасига ётишга мажбур бўлди. Дастлаб ўз дарди билан ўзи овора бўлиб ҳеч нарсага эътибор бермаган экан. Икки, уч кун ўтгач, у самимийлик, меҳрибонлик, ҳурмат-икром билан қуршаб олинганини юракдан ҳис қилди. Уруш инвалидлари ва қатнашчилари учун ажратилган алоҳида хоналар, мазали таомлар, ўзи Улуғ Ватан уруши ветерани бўлган шифохона бош врачи Ҳусан ака Абдуллаев хонасида уюштирилган суҳбат ва учрашувлар унда «Мен касалхонага эмас, дам олиш уйига келган эканман» деган тасаввур уйғотди.

— Партия ва ҳукуматимиз юртимизда тинчликни таъминлаш учун изчил курашаётган экан, ҳаётимиз гўзал, фаровон бўлаверади, — дейди Ҳ. Муҳаммадкулов. — Бироқ ҳаёт гўзаллигини тани соғ одамгина тўлалигича ҳис эта олади. Мана келганимга икки ҳафта бўляпти, ўзимни яхши ҳис қиляпман. Кўзимга ҳамма нарса гўзал бўлиб кўриняпти. Биз кексаларни дори-дармондан ташқари ширин сўз, хушмуомала билан даволаш зарурлигини яхши тушунган Гавҳархон қизим бошлиқ врач ва ҳамшираларга нозик қўлларингиз дард кўрмасин, умрингиздан барака топинг, дейман.

Бу — шифохонада даволанаётган йигирма нафарга яқин уруш ветеранининг дил сўзлари, десак муболаға бўлмас. Терапия бўлимининг «Шикоят ва мулоҳазалар дафтари» билан танишар эканмиз унда Гавҳар Музаффарова мудир бўлган бўлим адресига, жумладан даволовчи врач Нафиса Собирова, ҳамшира Умида Эшбоева, врач-ординатор Одил Рустамовларга ўнлаб беморлар томонидан миннатдорчилик ҳис-туйғулари ифода этилган сатрларни ўқиш мумкин.

Коммунистик меҳнат бўлими шарафли номини олган неврология бўлимида эса Улуғ Ватан уруши II группа инвалиди В. Князин билан суҳбатлашиб қолдик. Орадан 40 йилдан кўп вақт ўтишига қарамай уруш жароҳати унинг асабини безовта қилиб тураркан.

— Яқинда менга уйга рухсат беришади, — деди у. — Лекин даволовчи врач Меҳри Орифжонова, ҳамшира Ҳакима Зоитова, санитарка Мила Храмцоваларнинг меҳрини ўзим билан бирга олиб кетаётганимдан беҳад мамнунман.

Ҳақиқатан ҳам «Намунали шифохона» деган фахрли номга эришиш учун беморлардан бутун билим, кучғайратини, меҳрини аямаётган, коллектив орасида муолажаси, муомала маданияти билан кўпчилик эъзозига лойиқ кўрилган шифокорлар талайгина. Масалан, Т. Абдуазимова бошчилигидаги биргина неврология бўлимининг ўзида 28 нафар врач коммунистик меҳнат зарбдоридир. Кўз касалликлари бўлимида эса илғор тажриба мактаби ташкил қилинган.

Мунтазам ўтказиб келинаётган медицина ва халқаро мавзулардаги лекциялар даволанувчиларда яхши қизиқиш уйғотмоқда. Касалхона қошида ишлаб турган даволаш совети аъзолари ўз қарамоғидаги поликлиника ҳамда стационарларга амалий ёрдам бериб, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилашга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Бош врач ўринбосари Лола Ғуломова бошлиқ лекторлар группаси эса Карл Маркс маҳалласи аҳли ўртасида ҳафтада бир марта саломатлик, турли касалликларнинг олдини олиш мавзуида лекциялар ўқишяпти.

Шифохонадаги кўплаб беморлар ва врачлар билан суҳбатлашар экансиз саломатлик посбонларининг мақсади — беморларга малакали хизмат кўрсатиш ва уларнинг тезроқ соғайиб кетиши учун бор имкониятларни ишга солишдир, деган фикрга келасиз.

А. МАННОПОВ.

РЕКЛАМА ✲ ЭЪЛОНЛАР

РАСЧЁТ ЧЕКИ

Магазинлардан қиммат баҳодаги саноат молларини сотиб олаётганда СССР Давлат Меҳнат омонат кассаларининг расчёт чеклари билан ҳисоб-китоб қилиш қулайдир.

Расчёт чеки билан 200 сўмдан қиммат турувчи ҳар қандай мол учун ҳақ тўлаш мумкин. Бундай пайтда харидор ёнида нақд пул олиб юриш ташвишидан қутулади.

Чек марказий омонат кассалари ёки биринчи ва иккинчи разряддаги омонат кассалари томонидан омонатчининг кассада сақланаётган маблағи ҳисобидан берилади.

Расчёт чеки икки ой давомида унинг берилган жойидан қатъи назар мамлакатнинг ҳар қандай шаҳри ёки районидан мол олаётганда тўлаш учун амал қилади.

Агар сотилаётган молнинг нархи расчёт чекининг қимматидан камроқ бўлса магазин ошиқча пулнинг қайтимини нақд пул билан тўлайди (мазкур чек қимматининг 25 процентига, лекин 100 сўмдан ошмаслиги керак).

Чек қимматига қўшимча нақд пул тўлаш чекланмайди.

Фойдаланилмаган расчёт чекига ҳақ тўлаш бошқа шаҳар ёки район марказий омонат кассаси томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Расчёт чеки киши номига берилган пул ҳақидаги ҳужжат бўлиб, уни йўқотган тақдирда пул йўқотган ҳисобланмайди.

СССР Давлат Меҳнат омонат кассаларининг Ўзбекистон республика Бош бошқармаси.

ШАХМАТ

УСЛУБДАН ЮЗ ЎГИРМАЙ

«Совет Ўзбекистони» шарҳловчиси М. Муҳиддинов Москвадан хабар қилади

Тўққизинчи партияда қора доналар билан ўйнаган Каспаров тағин фарзин гамбитини гроссмейстер Тарран номи билан юрилувчи кескин ҳимоя усулини танлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича мураккаб ҳисоб-китоб талаб этувчи вазиятларни тез чамалаш бобида ҳозир Каспаровга тенг келадиган шахматчи йўқ. Бинобарин йигирманчи юриш устида 50 минут ўйлаган экан, қанчадан қанча вариантларни назардан ўтказгани фақат унинг ўзига аён. Каспаровнинг тахта марказида ёлғизланиб қолган пиёдасига ҳужум тобора ортаётган бир пайтда аниқ ҳисоб юритиш ўрнига умумий мулоҳазаларгагина таяниб иш кўриши яна хунук оқибатларга олиб келарди. Кейин еттинчи юришда фарзину биттадан от алмашиб вазият юмшагандек кўринса-да, қораларнинг ҳамон ўша марказдаги ҳимояталаб якка пиёдаси заифлигича қолди. Бу жаҳон чемпионининг позициявий афзаллигини таъкидлаб турарди. Аммо ундан фойдаланиш ҳам осон эмас эди.

Навбатдаги яна бир неча юриш доналарнинг мавқеини яхшилашга қаратилди. Бу жараён оддий нарсадек кўринса-да, айниқса қоралардан ниҳоятда хушёрлик билан қадам босишни талаб этарди. Шу пайт жаҳон чемпиони ҳужум қилиб турган руҳларини мудофаадаги рақиб руҳларига алмаштириб, ҳатто гроссмейстерларни ҳам ҳайратга солди. Маълум бўлишича, бунинг асосий сабаби қораларга озгина бўлса ҳам актив қарши ўйин қилиш имкониятини бермаслик экан. 5 соатлик курашлардан сўнг ўйин кечиктирилди. Томонларнинг ҳар бирида биттадан фил, биттадан от ва олтитадан пиёда қолганди, холос. Лекин пиёдаларнинг икки қанотда жойлашганлиги, улар истаган пайтда ҳаракатга келиши мумкинлиги ҳали ҳам тахтада кескинлик ҳукм суриб турганидан далолат берарди.

Оқлар хиёлгина афзалликка эга бўлса-да, бундан фойдаландими, йўқми, буни уйда қилинадиган таҳлил кўрсатиб бериши керак эди. Эртасига ўйин давом эттирилганда Каспаров кўпчилик кутмаган яширин контрол юришни ёзиб қўйганлиги маълум бўлди. Тож талабгорининг имкониятларини тезгина тенглаштириш йўлидаги 46-юриши рақибнинг ниҳоятда нафис ва қаттиқ қаршилигига дуч келди. Жаҳон чемпиони бир пиёдани вақтинча қурбон қилиб, бир неча бор от юриши билан нақ учта пиёдани ютиб олди. Қоралар қўйган барча тўсиқлар 70-юришга борганда қулади ва Каспаров матчдаги тўртинчи мағлубиятни тан олди.

Пахта тозалаш саноати Марказий илмий-тадқиқот институти Бектемир тажриба-экспериментал пахта тозалаш заводида хом ашё қабул қилинишини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси ўрнатилган.

Эндиликда пахтанинг ҳар бир уюмидан унинг сорти, намлиги, ифлосланиш даражаси хусусида батафсил анализ маълумотларини бир неча дақиқадаёқ олиш мумкин бўлмоқда. Бу хўжаликлар билан хом ашё сифати ва ундаги тола миқдорига кўра ҳисоб-китоб қилиш янги шароитларида айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Система пахтани қабул қилишдаги барча технология жараёнларини ҳам назорат қилади.

Суратда: техник-лаборант Дилором Дуйсебоева хом ашё сортини аниқламоқда.

Р. Нуриддинов (ЎзТАГ) фотоси.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЖАНГОВАР САТРЛАР

ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН

Совет халқи, шавкатли Қуролли Кучларимиз фашист босқинчилари устидан қозонган тарихий ғалабанинг 40 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан редакциямиз она-Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги, халқлар бахт-саодати йўлида жанг қилган собиқ жангчилар ҳақида, армия ва халқ бирдамлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи хатлар олмоқда. Мана улардан бири:

«Она-Ватанимиз мустақиллиги, халқлар бахт-саодати йўлида жанг қилган фидокорлар сафида янгиқўрғонлик Ҳамидхон Умаров ҳам бор эди. У 316-дивизия 1075-ўқчи полкининг 7-бригадасига қарашли автоматчилар бўлинмасининг командири эди.

Бўлинма командири автоматчиларни йиғди ва уларга эрта тонггача Новоржевск қишлоғини озод қилиш кераклигини айтди. Шу куни гвардиячилар қишлоқдан гитлерчиларни қувиб чиқардилар. Лекин Новоржевск райони территорияси ҳали душмандан бутунлай озод бўлганича йўқ. Заборово қишлоғида душманнинг тиштирноғигача қуролланган катта кучи ўрнашиб олган эди.

Ойдин кеча. Ҳаммаёқ жимжит. Лекин она-Ватанимиз ҳимоячилари — солдатлар уйғоқ. Ана солдатлар ҳузурига полк командири Ломо кириб келяпти. У солдатларга шундай деди:

— Биз бир соатдан сўнг ҳужумга ўтамиз. Ҳужум белгиси — яшил ракета! Сизларнинг асосий вазифангиз 168-тепаликдаги душман дзотини йўқ қилиш ва тепаликни қўлга киритишдир.

— Буйруғингизни бажарамиз ўртоқ подполковник! — дейишди жангчилар бараварига. Булар Ҳамидхон Умаров бошчилигидаги солдатлар эди.

Осмонда яшил ракета пайдо бўлди. Жангчилар ҳужумни бошладилар. Ҳ. Умаров бошлиқ 5 кишидан иборат автоматчилар группаси 168-тепаликдаги душман дзоти томон илгарилаб кетишди. Мана, жангчиларимиз билан тепалик орасидаги масофа 15—16 метр. Қўққисдан бўлган ҳужумдан саросимага тушган душман солдатлари пала-партиш отишмоқда, жангчиларимиз дзотга граната улоқтирдилар. Йигитлар «Урра!» садолари остида тепаликка интилдилар. Аммо унга 2—3 қадам қолганда душман пулемёти уларга ғов бўлди.

— Дўстлар! Она-Ватан учун, олға! — дея хитоб қилди Ҳ. Умаров ярадор бўлишига қарамасдан. Ҳамма ҳужумга ташланди. Ана шу жангда 17 гитлерчи асир олинди. Душман катта талафот кўрди. Жасур ўзбек ўғлони Ҳамид Умаров ҳалок бўлди. Унинг жасади қуролдошлари билан қўлга киритган тепаликка — Калинин областининг Новоржевск районидаги Заборово қишлоғига қўйилди.

Полк командири Ломо Охунбобоев номли колхознинг Янгиқўрғон қишлоғида яшаб турган Баҳринисо Умарқуловага хат йўллади:

«Ҳурматли Баҳринисо Умарқулова! Сизнинг ўғлингиз моҳир командир, гвардиячи Ҳамид Умаров немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган оғир жангларда социалистик Ватан олдидаги шарафли бурчини бажараётганда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Унинг номи қалбларимизда мангу сақланади. Биз сизга ҳукуматимиз томонидан ўғлингиз Ҳ. Умаровга берилган III-даражали «Ватан уруши» орденини юборяпмиз. Уни кўз қорачиғидек сақланг. Ўғлингиз Ватан олдидаги бурчини адо этганлигидан фахрланинг.

1075-ўқчи полк командири подполковник Ломо».

Ҳа, Ҳамид Умаровнинг номи барҳаётдир. Чунки она-Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган қаҳрамонлар номи ҳеч қачон унутилмайди.

Б. ШАРОФИДДИНОВ».

* * *

Урганчлик **А. Эшматов** Машарип ака Матчонов, косонсойлик **Ю. Шарипов** Қосимбек ака Калиев, берунийлик **С. Алламов** эса Ориф Кунтўраев ўртоқларнинг фашист босқинчиларига қарши курашда кўрсатган жонбозликлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Марҳамат район ижроия комитети бўлим мудири **А. Бозорбоев** эса «Октябрь 50 йиллиги» колхозида яшовчи Исомиддин Маматов учинчи даражали «Шуҳрат» орденига қандай сазовор бўлгани ҳақида ёзган.

Шунингдек, редакциямизга хат йўллаган бухоролик **Б. Ражабов**, уруш ва меҳнат ветерани Зоэн **Аронбоев**, андижонлик **У. Фозилов** Қизил Юлдуз, III даражали «Шуҳрат» орденлари соҳиби собиқ гвардиячи сержант Турсунбой Аҳмедовнинг, самарқандлик **Р. Қурбонов**, «Жасурлиги учун» ва бошқа кўплаб медаллар нишондори Жума ака Бердиевнинг она-Ватан ва халқимиз олдидаги жанговар хизматлари ҳақида фахр ва ифтихор билан ҳикоя қиладилар.

Жанггоҳларда тобланган дўстлик ҳеч қачон унут бўлмайди, дейишади. Редакциямизга келаётган кўпгина мактублар ана шундан далолат беради.

«Ҳозир 62 ёшдаман, — деб ёзади Қизил Юлдуз ордени нишондори Ражаббой Қурбонов Хоразм область Шовот районидаги «Коммунизм» колхозидан. — Ўттиз йилдирки қишлоқ кутубхонасида ишлаётирман. Қуролдош дўстларимдан келаётган хатлар алангали йилларни ёдга солади. Биз Берлингача бўлган масофани 65-армиянинг шуҳратли 293-дивизияси сафида босиб ўтгандик. Генерал Собир Раҳимов билан жангга бирга кирган кунларимиз хотирамиздан ўчмайди.

...Қуролдош дўстлар билан қирқ йилдан кейин учрашдик. Улар мени «Совет Ўзбекистони» газетаси орқали излаб топишди. Ҳар йили Москвада 43 нафар собиқ қуролдош Ғалаба кунини нишонлаймиз. Сафимизда истеъфодаги генераллар Ф. Н. Смехотворов, Т. Тюнников ва таниқли рассом Озарбайжон ССР Давлат мукофоти лауреати Ҳ. Мамедовлар борлигидан беҳад фахрланамиз.

Биз ҳамон қуролдошларимизни излаймиз. Улар билан бирга келгуси йилда гвардиячи дивизиямиз босиб ўтган йўлларни кўздан кечириш ниятидамиз. Шу саёҳат лаҳзаларида сафимиз тўлиқ бўлишини қалбимиздан орзу қиламиз.

Фарғона районидан Қаюм Қосимов, янгийўллик Маҳмуд Исаев, Деҳқонободдан Ҳасан Тилавов, Ромитан районидан Нур Саидов, Шеробод шаҳридан Ҳасан Алиқулов, Марҳамат шаҳридан Жумабой Ҳасановларни ҳамон излаяпмиз. Қадрли қуролдошлар! Сизни меҳр-муҳаббат билан сафимизга чорлаймиз!»

Оталар жасорати — фарзандлар мероси. Мактубларнинг бир қисмида ота-боболаримиз жанговар анъаналарининг муносиб давомчилари, она-Ватанимиз посбонларининг бугунги қайноқ ҳаёти акс этган.

«Қисмимизда кўпгина ўзбекистонлик йигитлар хизмат қилишади, деб ёзади старший лейтенант **Гапонов**. — Ҳарбий қурувчилар бригадасига Абдуҳамид Зиёдуллаев раҳбарлик қилади. Бригада аъзолари, «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор меҳнат ҳафтаси» шиори остида бошланган мусобақада фаол қатнашиб, кунлик топшириқни 105-110 процентга етказиб адо этмоқдалар. Бунда ҳарбий қурувчилардан Б. Юсупов, Ж. Жуманиёзов, Н. Холматов, А. Йўлдошев, М. Бекмирзаев ва бошқаларнинг ҳиссаси катта».

Солдатлардан **Нурилла Аббосов, Насриддин Ботиров** ва бошқа ўртоқлар редакциямизга ана шу мазмунда хат йўллаганлар.

Мактублар. Эзгулик рамзи, дил кўзгуси, хушхабарлар жарчиси. Улар бепоён Ватанимизнинг турли бурчакларидан келмоқда. Уларда Ватанимиз ҳимоячиларининг жангу-жадалларда кўрсатган мардлиги, совет халқининг оммавий қаҳрамонлиги мадҳ этилади. Буюк ғалабанинг 40 йиллиги шарафига авж олаётган умумхалқ мусобақаси ҳақида ҳикоя қилинади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
1984-85 ўқув йилига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ (саноат) **ТОВАРЛАРИ ҲАММА ПРОФИЛЛАРИ БЎЙИЧА СОТУВЧИ ВА КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.**

ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқув-курс комбинатини тугатганларга «Сотувчи», «Контролер-кассир» деган малака берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқув-курс комбинати тингловчилари ишлаб чиқариш практикасини Тошкент шаҳридаги энг яхши савдо корхонасида ўтайдилар.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 286 формадаги медицина справкаси фотосурат (3х4 см.) — 4 дона ёки 6 дона.

Ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиника касалхонаси», 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
пуллик чет тиллар курсига
(инглиз, немис, француз тиллари)
ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тингловчилар билан машғулотлар кандидатлик минимуми программаси бўйича олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 35-уй (Революция хиёбони), юридик факультет, соат 12 дан 19.00 гача 19-аудиторияда қабул ўтказилади.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/X да **Ҳаётбахш ўлим**, 10/X да **Жизель**, 11/X да **Тоҳир ва Зуҳра**, 12/X да **Севги тумори**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/X да **Юлдузли тунлар**, 10/X да **Зебуннисо**, 11/X да **Афғон репортажи**, 12/X да **Отелло**.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00—Время. 9.40 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 9.55— Илмий-оммабоп фильм. 10.20 — Отелло. Опера. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 16.05— Я. Сибелиус. 5-симфония. 16.40 — Моҳир қўллар. 17.15 — Жезқазғон — мис шаҳри. 17.45 — Ҳужжатли фильмлар. 18.15 — Стадион ҳамма учун. 18.45 — Фан ва турмуш. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — ГДР пионерлари ҳузурида меҳмонда. 19.50 — Княжна Мэри. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Поэзия. 23.30 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — 11.55 — Илмий-оммабоп фильмлар. 12.15 — Шахмат мактаби. 14.10 — Телеочерк. 14.40 — Вальс-фантазия. 15.10 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 19.30 — Сиз яратган боғ. 20.00 — Концерт. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 21.30 — Время. 22.05 — Сирли Брелок. Бадиий фильм. 23.10— Телефильм. 23.20 — Хоккей. «Спартак» — «Торпедо».

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Болалар учун фильм. 18.40 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 19.00 — Телефильм. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 20.30 — Ахборот. 20.55 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 —Матонат. Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.35 — **МОСКВА-II.** 18.10 — Телефильм. 18.30 — Кўприклар кўтарилганда. Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқув программаси. 20.50 — Телефильм. 21.30 — **МОСКВА-II.**

10 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 —Время 9.40 —Концерт. 10.05— Княжна Мэри. Бадиий фильм. 11.40— Саёҳатчилар клуби. 12.40 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — С. Токомбаева шеърлари. 17.15 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.45 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.30 — Ўсимликлар олами. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Молдавия ССР телевидениесининг республика ташкил топганлиги ва Молдавия Коммунистик партияси тузилганлигининг 60 йиллигига бағишланган программаси. 21.30— Время. 22.05 — Концерт. 22.30 — Москва музейларининг ноёб хазиналари. 23.15 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 11.05 — Антарктидага командировка. 1-кўрсатув. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 14.10 — Совет тасвирий санъати. 15.10 — Ф Энгельс. Ҳаёт саҳифалари. 15.55— И. В. Гёте. «Фауст». 16.25 ва 18.30 Янгиликлар. 18.45— Телефильм. 18.55 — Фильм-концерт. 20.00— Тажриба олдидан. 1-кўрсатув. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — Тележурнал. 21.20 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қадрдон иш. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Қадрдон дўстлар. Бадиий фильм. 1-серия. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Кинопрограмма. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мактаб ўқувчилари учун. 19.00 —Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.55 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20— ЎзССР халқ артисти Г. Ҳамроеванинг ижодий кечаси. 23.15— Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30 — **МОСКВА-II.** 18.10 — Телефильм. 18.40 — Ўқитувчи экрани. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Икки комедия. Телеспектакль. 21.00 — Тошкент қишга ҳозирлик кўрмоқда. 21.30 — **МОСКВА-II.**

РАДИО

9 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 —Дўстлик байроғи. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Боғбонларнинг галдаги вазифалари. 18.15 — Ягона сиёсий кун саволларига жавоб берадилар. 19.25 — Ёшлик. 21.00 — М. Бажан туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган адабий эшиттириш. 21.20 — Пахта йиғим-терими илғорлари учун музикали программа. 22.30 — «Шодлик» ансамбли солистларининг концерти.

10 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30— Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Ўрмон — экономиканинг муҳим резерви. 11.25 — М. Ашрафий қўшиқлари ва романслари. 12.10 — Узбекистан индустриальный. 13.00 Чорвадор. 14.00 — Республика шоликорлари ҳузурида. 19.25— Қармоқ. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Пахта йиғим-терими илғорлари учун музикали программа. 22.30 — Рақс оҳанглари.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

БИЗНИНГ АДРЕС:
Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.



Р — 20112. ИНДЕКС 64583. В. — 232. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12